

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бердах номидаги Қорақалпоқ Давлат университетидеда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон «Камолот» ЁИХ томонидан «Чекиш — умр заволи» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ёшларда бундай иллатларга қарши туриш кўникмаларини тарбиялаш масалалари ҳақида фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тadbирда давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, шифокорлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

● Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетидеда фан ва технологиялар тараққиётида иқтидорли ёшларнинг ўрнига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Пойтахтимизда аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилётган ишлар, ушбу йўналишдаги долзарб масалаларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда илмий-тадқиқот муассасалари олимлари, даволаш-профилактика ва туғруқ мажмуалари шифокорлари иштирок этди.

● Наманган шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ва халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши ҳамкорлигида «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Урганч шаҳрида «Ҳамшира-2011» кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи ўтказилди. Танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 12 нафар ҳамшира беллашди. Шартларга кўра, иштирокчиларнинг тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотларга доир билими, касб маҳорати, ҳуқуқий маданияти ҳамда ижодий қобилияти синовдан ўтказилди. Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Севара Жуманиёзова танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

ЖАҲОНДА

● Америка Қўшма Штатлари авиация тарихида ўн ёшли Кристофер Маршал энг ёш учувчи сифатида қайд этилган. У Лос-Анжелес аэродромидан кўтарилиб, Флоридадаги Лодердейл аэропортига қўнган.

● Япониянинг миллий полиция бошқармаси ер силкиниши ва цунами оқибатида ҳалок бўлганлар бўйича расмий маълумотни янгилади. Жорий йил март ойда Кунчикар мамлакатидеда рўй берган табиий офат туфайли 15057 киши ҳалок бўлган.

● Словениянинг пойтахти Любляна яқинида кеча эртаб Германиядан Хорватияга болаларни дам олиш мазлига етказишга йўл олган автобус ҳалокатга учраган. Крань-Любляна катта йўлининг 20 километрдига нуқтасида содир бўлган авария натижасида олти киши оғир жароҳат олган.

● Миссисипи дарёси бўйидаги энг юқори сув кўтарилиш даражаси Висконсин шаҳри яқинида 17,2 метр баландликда қайд этилди. Бу борада энг юқори кўрсаткич 1927 йилга (17,1 метр) тўғри келади.

● Буюк Британия қироличасининг биринчи марта Ирландия давлатига ташриф буюриши кутилмоқда.

● Европа Иттифоқи томонидан Португалияга инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш учун 78 миллиард евро ажратилди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 95 (11.906)

Баҳоси эркин нарҳда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кеча «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Энергетика-Pover Uzbekistan» 6-халқаро кўргазма иш бошлади. Уч кун давомида кўргазмада энергетика тармоғининг илмий-техникавий ютуқлари намойиш этилади. Тадбирнинг ташкилотчиси «ITE UZBEKISTAN» ҳамда унинг ҳамкори бўлган Буюк Британиянинг кўргазмалар компаниясидир.

Кўргазмалар

ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодийнинг кўплаб тармоқлари, хусусан энергетика саноатининг янада ривожланишида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янгидан-янги қувватларни ишга тушириш борасида салмоқли ишлар қилинди, катта ютуқларга эришилди. Тизимни модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари самарали кечмоқда.

Кўргазма экспозицияларида энергетиканинг асосий йўналишларини акс эттирган кўплаб технологик янгиликлар — энергия таъминоти, энергия ресурслари сарфини назорат қилиш ва ҳисобини юритиш тизимлари соҳа мутахассисларини ҳам, оддий истеъмолчини ҳам қизиқтириши табиийдир.

Кўргазма иштирокчилари 30 дан зиёд компаниялар бўлиб, улар Германия, Россия, Украина, Қозоғистон, Жанубий Корея, Хитой, Франция, Япония каби давлатлар вакиллари. Стендларда соҳа учун мўлжалланган ускуналарни ишлаб чиқарувчилар ва етказ

зиб берувчилар фаолияти акс этган.

Бундан ташқари, бу ерда автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, энергетика технологиялари ва ускуналари, трансформатор, кабел, электр қурилмалари, ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, кўш энергетикаси, саноат энергетикаси, турбогенератор ва бошқа кўплаб маҳсулотлар намуналари билан танишиш мумкин.

Этиборли томони, кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан — «Ўзэлектроаппарат-Электротех» акциядорлик жамияти ва «ASU Technology» — корхоналар маҳсулотлари кенг ўрин олган.

«Энергетика-2011: инновациялар, ечимлар, истиқболлар» халқаро конференция ҳам кўргазма доирасида муҳим амалий тadbир ҳисобланади. Унда мамлакатимиз вакиллари билан соҳада етакчи ҳисобланган «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Усэвэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси, хорижий мутахассислар билан биргаликда 100 дан зиёд соҳа вакиллари иштироки кутилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
Козим Ўлмасов
олган сурат

Франциянинг «Pantheon-Assas Paris II» университети профессори **Жак Барр**нинг мамлакатимизга ташрифи доирасида **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидеда «Ўзбекистон геосиёсати» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинар таниқли олимнинг «Ўзбекистон геосиёсати» китобининг асосий концептуал қоидалари таҳлилига бағишланди.**

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари, шунингдек, Франция Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

лини ошириш ва ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди француз олими. «Бу соҳада, шу жумладан, ижтимоий жабҳадаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда давлат ту-

холда ва БМТнинг тегишли конвенциялари талаблари асосида, мустақил халқаро экологик экспертизадан ўтказилиши зарурлигига эътибор қаратади.

Жак Барра ўз китобида яна бир муҳим йўналиш — таълим соҳаси хусусида ҳам сўз юритган. Муаллиф Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 12 фоизи ушбу соҳага йўналтирилаётганини, халқаро микёсда бу кўрсаткич ўртача 3-5 фоизни ташкил этишини қайд этди. Мамлакатда 1,5 мингдан зиёд академик лицей ва касб-хўнара коллежалари фаолият кўрсатмоқда, 4,5 мингдан ортиқ умумтаълим мактаблари таъмирланди, 75 олий таълим муассасасида 300 минг-

УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

лаштирувчи-таҳлил маркази, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари, шунингдек, Франция Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

Семинарда Жак Барра анжуман иштирокчиларини китобининг асосий йўналишлари билан атофлича таништирди. Олим Францияда ва умуман бутун Европада ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси, Ўзбекистон бугун иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда эришаётган ютуқлар, мамлакатнинг ташқи сиёсати ва халқаро майдондаги ўрни юксак кадрларини алоҳида таъкидлади.

«Ўзбекистон геосиёсати» китобида алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистон мустақиллики кўлга киритгач, Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» таллади ва у ҳаётта изчил таъбиқ этилмоқда. Муаллиф таъкидлаганидек, айнан Ўзбекистон танлаган ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўли самарасида мамлакатда 1991 йилдан буён молиявий барқарорлик сақланмоқда, изчил иқтисодий ўсиш таъминланмоқда ва 2008 йилдан бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари муваффақиятли бартараф этилди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича танланган моделнинг изчил амалга оширилиши Ўзбекистонга жадал тараққиёт этаётган давлатлар қаторига қўшилиш имконини берди, деб ишонч билан қайд этди Жак Барра. «Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишга эришилмоқда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳисобидан фаровонлик таъминланмоқда, саноатни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек, бошқа йўналишларда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда».

«Ўзбекистон геосиёсати» китобида трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш, йирик гидротехник иншоотлар қурилиши муаммоларига кенг ўрин берилган. Китоб муаллифи сув тақчиллиги бугун нафақат миллий, балки халқаро муаммага айланганини қайд этар экан, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, янги гидроэлектростанциялар қурилиши масаласи алоҳида долзарблик касб этаётганини таъкидлайди. Шу маънода, янги гидроиншоотлар қурилиши атраф-муҳитга зарар етказмаслиги ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаётган аҳоли манфаатларига даҳл қиларайини ва сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш, шунингдек, нодавлат ташкилотлар ҳамда турли уюшмаларнинг ро-

дан ортиқ талаба 850 мутахассислик бўйича таълим олмақда. Француз олими Ўзбекистоннинг муносабатларининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида дунё ҳамжамиятига фаол интеграциялашиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон 20 йиллик муттасил тараққиёти мобайнида миллий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган прагматик ва изчил ташқи сиёсат юритиб келаётган, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи, шу жумладан, Франция билан ҳамкорлиги барча йўналишларда фаол ривожланмоқда.

Жак Барра қайд этганидек, «Тошкент минтақавий дипломатия пойтахтига айланмоқда». Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги ташаббуслари бу фикрнинг ёрқин далилидир. Ўзбекистоннинг бу масаладаги ташаббуси Францияда катта қизиқиш уйғотмоқда. Эеро, Европа хавфсизлиги бевосита Афғонистонда барқарорлик ўрнатилиши билан боғлиқдир. Ўзбекистон минтақда хавфсизликни таъминлаш ҳамда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди. Европа мамлакатлари Ўзбекистоннинг Афғонистонни тиклаш ишидаги ёрдамини, расмий Тошкентнинг мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

Анжуманда мамлакатимизнинг давлат ва жамоат тузилмалари, етакчи илмий-тадқиқот ва академик марказлари вакиллари сўзга чиқди.

Семинар иштирокчилари француз геосиёсий таҳлил мактаби фаолияти ва мустақил Ўзбекистон тараққиётининг асосий босқичлари, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари билан таништирилди.

Халқаро ҳамкорлик, минтақда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, Европа мамлакатлари билан маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан атофлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ҚИСКА САТРЛАРДА
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Миллий матбуот марказида Солиқ ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш давлат қўмиталари томонидан ўтказилган матбуот анжуманида Токио бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

✓ **БУГУН** «Ипакчи», «Исломобод» (Шайхонтоҳур тумани), «Гуручарик», «Себзор» (Олмазор тумани), «Ёрқин ҳаёт» (Сергели тумани) маҳаллаларида фуқаролар йиғинлари сайлови бўлиб ўтди.

✓ **МИРОБОД** саноат коллежида «Касблар фестивали» шиори остида мактаблар битирувчилари учун «Очқ эшиклар куни» ташкил этилди.

«Ачаобод» маҳалла фуқаролар йиғини янги таркибини сайлашда кўпчилик ана шундай зийнат соҳибларига овоз берди.

Олмазор туманидаги ушбу маҳаллада уч мингдан кўп аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 2,4 мингдан зиёди сайлов ҳуқуқига эга бўлса, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда ўрта ҳисобда ўттиз бешта фуқаро номидан биттадан вакил қатнашиди. Аҳоли ўртасида биз томондан ўтказилган сўровнома эса маҳалланинг ёшун қариби сайлов ҳақида қисман ёки тўлиқ маълумотга эга эканлигини кўрсатди.

— Ишчи гуруҳи олдига қўйилган асосий талаблардан бири айнан аҳоли ўртасида тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш эди, — дейди «Ачаобод» маҳалласида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси Шаҳзода Олимова. — Саккизта кўчанинг ҳар бирида жойлашган хонадонларда бўлиб, оилаларга сайлов ҳақида ахборотни етказишга ҳаракат қилдик. Шундан сўнг маҳалла фуқаролари кўчалар кесимида кичик мажлислар ташкил этиб, оқсоқолликка номзодларни муҳокама қилишда ҳамда ўзлари номидан сайловда муносиб иштирок эта оладиган вакиллари ҳам танлаб олишди. Аҳоли таклифига кўра, дастлаб йиғин раислигига даъвогар бўлиши мумкин бешта номзод бўйича ҳужжатлар тайёрланиб, туман кўмаклашувчи комиссиясига ҳоким билан келишиш учун тақдим этилди. Сайловда икки номзод қатнашди. Уларнинг таржимаи ҳоли, шунингдек маҳалла сайлови ҳақидаги барча меъёрий ҳужжатлар билан аҳоли фуқаролар йиғини идорасига кириверишда «Маҳалла сайлови-2011» мавзуси остида махсус тайёрланган кўргазма деворида танишиш имкониятига эга бўлди.

Албатта, ҳар бир ишда ижобий натижага эришиш учун кўп нарса тайёргарликка боғлиқ бўлади. Қайд этилган маҳаллада барча ташкилий ишлар бадастур бажарилганига мувофиқ қилмасдан, биз фақат шундай вазифани айна пайтада ўз зиммасига олган бошқалар билан таққослаган ҳолда «Ачаобод»да фаолият юритган ишчи гуруҳи аъзолари ўзини ўзи бошқариш органи эртанги кунини белгилашда муҳим ҳисобланган тадбирга қанчалик катта масъулият билан, жиддий ёндошиганини айтиб ўтмоқчи бўлдик холос. Бизни хурсанд қилган яна бир нарса — бу хонадонлар олд ҳудудлари барчани эътиборини тортаридан даражада саранжом-саривалигидир. Бу ҳақда аҳоли билан суҳбатлашар эканмиз, «Ачаобод» маҳалласи тарихи билан боғлиқ қизиқарли маълумотлардан ҳам воқиф бўлдик.

Узоқ йиллардан буён яшаб келаётган фуқаролар гапига қараганда, айнан шу жойларда илк ўтрок турмуш тарзига асос солинган, қолаверса, шахримизнинг бу қадимий қисми ривож ҳам ўша кезларда бошланган.

Албатта, дастлаб ҳамма нарса савдо-сотикдан бошланган бўлсада, ушбу жараёни дорбозлар чиқилари, курашчилар беллашувлари, кўгирчоқбозлар томошалари ўзига хос мувофиқлик манзараси сифатида тўлдириб турган. Кенг давраларда ҳалол беллашиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонганлар ичида ака-ука дорбозлар ҳам бўлган. Кунда ва маҳорат бобида тенгсиз бу ўғлонларга она мураббийлик қилган. Кўп болали оила бошида ҳам шу аёл тургани ҳамда унинг ёши бу атрофда энг

улуг бўлгани учун барча ача, яъни она деб мурожаат қилган.

Дейишларича, ача турмуш ўртоғини бевақт йўқотган ва фарзандлари отасининг хунарини давом эттиришни жуда-жуда истагани боис дастлаб бу борада бевосита ўзи ҳаракат қилган. Отадан ягона ёдгорлик қолган катта белбоғ фарзандларга ҳар дамда, айниқса баланд дорларда ҳаракатланмишда хавфсиз қалқондек кўмак бўлган. Ўғиллари хунар сирларини мукаммал эгаллаб олишлари учун ача турмуш ўртоғи сўнги марта энг юқори дор чўққисини забт этган жойда бутунлай қолиш-

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизнинг кўҳна тарихидан садо берувчи эски шаҳар қисмида одамлар фаровон яшаши учун барча қулайликлар яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар бажарилди. «Ачаобод» маҳалласи бу борада авваломбор аёлларнинг узоқ йиллар давомидаги орзулари рўёбга чиққан масканга айлантилди. 2004 йилда бу ерда замон талабига жавоб берадиган оилавий поликлиника, болалар ижодиёт маркази ҳамда «Сағбон-текстиль» тикув фабрикасида иборат йирик ижтимоий мажмуа фойдаланишга топширил-



Фуқаролар йиғини сайлови

ХУРМАТ-ЭЪТИБОРДА БЎЛИШ — ЗИЙНАТДИР



Буюқлик Аклиев оғлига сўраблар

ни мақсад қилади. Йиллар ўтиб, фарзандлар машҳур дорбозлар сифатида улғаяди. Уларни ҳар сафар галдаги томошаларга кузатиб, ача уйда шунчаки бекор ўтиришни истамасди. Дилбандларининг келажагини ўйлаб, уй шароитларини кенгайтириш ниятида яқин ҳудудда оқиб ўтадиган катта ариқ атрофига кўп терак қаламчаларини қадайдди. Бу ерларга келиб-кетадиган савдогарлардан ўз кўли билан тўқиган кашта матоларни турли ўсимликлар, ҳар хил дон-уруғларга алмаштириб, экинзорлар, гулзорлар яратади. Тез орада бу жойларда бошқалар ҳам кўнмин топа бошлайди. Ачанинг ҳаракатларидан завқланиб, улар ҳам атрофларни обод қилишга киришади. Бу жойлар «Ачаобод» дея аталиши шу боисдандир.

Ўтган асрнинг ўрталарида маҳалла номи ўзгартирилган бўлишига қарамай, одамлар турмушига сингиб кетган аввалги номни тилга олаверган. Мустақиллик йилларида маҳаллага ўз тарихий номи қайтарилди. Шундай, бироқ бу маҳалланинг эътиборга лойиқ яна бир жиҳати бор.

Эски шаҳарда истиқомат қилувчи аёллар айнан уйига яқин жойда ишлашни, фарзандлари ҳам ота-онаси доимо назорати остида қизиқиши бўйича тўгаракларда машғул бўлишни орзу қилишган. Ҳозирда «Сағбон-текстиль» корхонасида 400 дан зиёд аёл меҳнат қилмоқда. Ижодиёт марказида болалар йигирмадан ортиқ йўналиш бўйича хунар-касблардан илк сабоқлар олмоқда. 17-оилавий поликлиника тўққизта маҳалланинг 30 минг аҳолисига хизмат қилади.

Аммо бизни яна бир савол қизиқтирди: нима учун номда она меҳнати эъзозланган маҳалла бошида аёл бўлмаслиги лозим?

— Улар орасида йиғин раислигига муносиблари талай десак, адашмаймиз. Бироқ маҳаллада, оилада каби, эркак сардорлик қилиши лозимлигини айнан аёлларимиз ишташди. Ўзлари эса кўпроқ фарзанд тарбияси, оилада тинчлик-хотиржамлиқни таъминлаш бобида аъналаримизни давом эттириш билан машғул, — дейди маҳалланинг улуг ёшдаги нуронийларидан бири Абдурашид

Абдумавлонов. — Сайловда кўпчилик бешинчи марта Хайрулла Ҳикматовга овоз берди. Албатта, бу инсоннинг бошқалардан устулиги нимада, деган савол туғилиши табиийдир. Хайруллани камтарлиги, ҳаммага бирдек ҳурматда бўлиши бошқалардан ажратиб туради. Ҳар бир кўчадан икки-учтадан вакил иштирок этган сайлов йиғилишида кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашда доимо адолатли қарор чиқарилиши, бу борада бирон-бир марта аҳолидан эътирозлар бўлмаганига алоҳида ургу бериб ўтилганининг ўзи, назаримда, амалдаги йиғин фаолиятига баҳо беришда муҳим аҳамият касб этди. Янги сайланган фуқаролар йиғини аъзоларига ҳар доим қатъиятли бўлиши, тарафқашликка йўл қўймаслиқни тилаб қоламан. Шунинг баробарида ёш кадрларни ҳеч ҳам иккиланмасдан ўз сафларига жалб қилишлари, ёшларимиз фақат тадбирлар иштирокчиси эмас, балки ташкилотчи сифатида ўзини намоён этиши лозим. Шу тариқа кўз ўнгимизда келажақда оқсоқолликка даъвогар бўла оладиган ҳақиқий кишилар шаклланиши мумкин. Ўринбосарларни бугундан тайёрлаб, керак бўлса, тарбиялаб боришда чўчиш керак эмас...

— Маҳалламиз ҳудудида замонавий мажмуа очилишида иштирок этган Юртбошимиз ўзини ўзи бошқариш органларига катта умид боғлаб, одамларнинг ташвишлари билан яшаши, айниқса аёлларимизнинг тилак-истакларини амалга оширишда фаоллиқни давом эттириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар, — деди оқсоқол Хайрулла Ҳикматов. — Маҳалладошларимга ишонч учун миннатдорчилик билдириб, шуни айтмоқчиманки, бор кучимни туғилиб ўсган маҳалламиз ободлиги, аҳолимиз фаровонлиги учун сарфлашга ҳаракат қиламан. Битирувчи ёшларимиз кўп. Шу боис, биринчи галда кўшимча иш ўринларини яратишда имкониятларни ўрганиб чиқишни режалаштирдик. Тегишли тузилмалар билан келишган ҳолда маҳалла ҳудудида жойлашган, лекин фаолият юритмаётган корхона бўлиб майдонлардан бири қисми тадбиркорларимиз ихтиёрига берилиб, ҳозирда бу ерда мебель жиҳозлари, қадоқлаш ашёлари, тайёр кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. «Сағбон-текстиль» корхонасида эса маҳалламиздан 30-40 нафар қизларимиз банд бўлган. Умуман олганда, айна пайтада ишчи бўлган кишилар бизда йўқ десам, адашмайман. Бир-икки йил ичида мактабгача таълим муассасасини тубдан таъмирлашни ҳам режалаштирганмиз. Боғча биноси ўтган асрнинг бошларида қурилганини инobatга оладиган бўлсак, жажжи фарзандларимиз хавфсизлигини таъминлашда бу қанчалик муҳим масала эканлигини англаш қийин эмас. Албатта, ҳудудимизда мактаб бўлишини ҳам истардик. Агарда бунга розилик берилса, айниқса аёлларимизнинг яна бир орзуси рўёбга чиққан бўлур эди.

Пойтахтимиз маҳаллаларидан яна бирида янги сайланган фуқаролар йиғини ана шундай режа ва орзулар билан ўз фаолиятини бошлади. Йиғин фаоллигига омад тиланган ҳолда, «Ачаобод» маҳалласи ҳар доим ўз номига мос ва хослигини сақлаб қолишни, бу ердаги фазил қўча хонадонлар, аҳолининг тинч-иноқлиги ва ҳамжихатлиги ҳаммага ибрат бўлишини истаб қоламиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Иқтисодиёт

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Тиббий хизмат сифатини ошириш баробарида кўплаб дори-дармон воситаларининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Арабистонлик ҳамкорлар билан шерикликда фаолият кўрсатаётган «Jurabek Laboratories» қўшма корхонаси юртимиз фармацевтика соҳасида етакчилардан саналади. Эл-юрт саломатлигини мустаҳкамлашга ўз доридармонлари билан астойдил ҳисса қўшаётган мазкур корхонада тайёрланаётган барча маҳсулотлар сертификатланган. Жамоада маҳсулотлар сифат менежменти тизимининг ISO 9001 ISO 13485 халқаро стандарт талаблари жорий этилган. Бугунги кунга келиб 35 й турдаги дори-дармон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган 5 та цехга ўрнатилган энг заамонавий дастгоҳ ва ускуналар кўл келаяпти.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, мазкур корхона бундан 15 йил муқаддам 30 нафар ишчи билан иш бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сафи 700 нафарга етганлиги ривожланишдан, изланишдан далолат бериб турибди. Уларнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга керакли дори-дармонларни етказиб бериш борасидаги хизматлари сифати ҳам шунга яраша ортиб борапти.

Албатта, сифат доимий эътибор қаратилган ҳоҳда муваффақият ҳам шунга яраша бўлади. Мунтазам равишда халқаро экспертлар жалб этилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ўрганиб борилаётгани ҳам маҳсулот турлари ҳамда сифатини оширишда яхши самара бермоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, цехларни юқори унумли янги технология дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлашга ҳам эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Шу боис бўлса керак ички бозорда харидориг бўлган дори воситаларининг кўплаб турлари бюртмага кўра чет й давлатларга ҳам сотилмоқда. Улар орасида Арманистон, Озарбойжон, Грузия, Молдова, Афғонистон, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар бор.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида корхонада яна бир янги цех ишга туширилди. Мазкур цехда янги турдаги таблетка воситалари ишлаб чиқарилади. Дори-дармон турларини бир нечта турга ошириш режаланган бўлиб, муҳими уларнинг барчаси импорт ўрнини босиши, рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

ХАРИДОРЛАРИ САФИ ОРТМОҚДА

Юз фоиз пахтани қайта ишлаш асносида ишлаб чиқарилаётган сифатли калава-ип маҳсулотларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бормоқда. Бунинг асосий боиси эса замонавий технологияларни қўлланган ҳолда тайёрланган маҳсулотнинг халқаро талабларга жавоб беришидир.

«UzTex-Tashkent» Ўзбекистон-Швейцария-Англия қўшма корхонасида ҳам борадаги ишлар ибратли бўлиб, фаолиятининг қисқа даврида экспортни йўлга қўйди. Корхона цехларида маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб тайёрланаётган калава-иплар Туркия, Жанубий Корея сингари хориж давлатларига сотилмоқда.

Корхонада 100 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, уларнинг маҳоратлари боис бир кеча қўшаётган 16 т тонна калава-ип ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Улар учун яратилган барча шароитлар меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳамкорлар билан шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлашга интилаётган тадбиркорлар жорий йилда йилгирув фабрикасини кенгайтириб, янги дастгоҳлар ўрнатишни кўзда тутишмоқда. Бунда маҳсулот турларини кўпайди, экспорт ҳажми ҳам ортади, ўнлаб ёшларни ишга жалб этишга ҳам эришилади.

ЧИДАМЛИ ВА БЕЖИРИМ

Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз гоиларини амалга оширишлари учун молиявий кўмак бериш уларнинг изланишлари самара беришида муҳим ҳисса бўлмоқда.

2009 йилда «Алоқабанк»дан 70 миллион сўм кредит олиб, цехларга технология линия ўрнатган «Rase Holore Saman» хусусий корхонасида бугунги кунда сифатли ва бежирим пойабзаллар тайёрланаётган. Асосан эркаклар учун оёқ кийимларининг замонавий ва мустаҳкам турларини ишлаб чиқараётган тадбиркорлар имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда. Шунинг учун ҳам айна пайтада пойабзаллар тури 30 хилдан ортиб кетди. Улар орасида кузги-кишки, баҳорги-ёғизги оёқ кийимлари ўзига хос дизайни билан ажралиб ў туради.

— Бюртма асосида махсус пойабзаллар ҳам тайёрлаймиз, — дейди корхона директори Маҳмадмурод Тулаков. — Айна кунларда эса ўсмирлар ва эркаклар учун ёзги шиппақларнинг бир неча турларини ишлаб чиқараямиз. Уларни тайёрлашда табиий чарм хом ашёсини қўллаш иқлим шароитларини ҳам ҳисобга оламиз, хориж каталогларидан унумли фойдаланиб, ижодий изланамиз.

Маҳсулот сифатини ошириш, турларини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳаракат қилаётган тадбиркор раҳбар жорий йилда Хитой давлатидан янги дастгоҳ келтиришни режаланган. Мазкур замонавий дастгоҳ — пойабзаллар тағчари учун қўйма аппарат бўлиб, мустаҳкамликни таъминлаш имконини беради. Шунингдек, маҳсулот таннархи арзонлашувига ҳам эришилади.

Шарофат БАҲРОМОВА

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛИ

Тошкентда «WorleyParsons Uzbekistan Engineering» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасининг тақдими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда нефть-газ соҳасида фаолият юритаётган фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Д.Турдиев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит ва имтиёзлар уларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда, жумладан, нефть-газ соҳасида ҳамкорлик қилишга, сармоя жалб этишга бўлган қизиқишини тобора ошираётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, юртимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва янада ривожлантиришга ҳисса қўшадиган қулай сармоявий муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нефть-газ соҳасининг янги иншоотларини барпо этиш, мав-

жудларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари жадал давом этмоқда. Мамлакатимизда табиий газ ва нефть қазиб олиш ҳамда етказиб бериш ҳажми йил сайин ошиб бораётгани бунинг далилидир. Ўзбекистон нафақат МДХ мамлакатларига, балки дунёнинг кўплаб бошқа мамлакатларига энергия манбалари етказиб берувчи давлатлардандир.

Ушбу йўналишда фаолият юритишга ихтисослашган янги қўшма корхона — «WorleyParsons Uzbekistan Engineering» Ўзбекистоннинг «Ўзоғир-нефтьгазкимёлойиҳа» институти, «ЎзЛИТнефтьгаз» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда Буюк Британиянинг «WorleyParsons» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мазкур янги корхона фаолияти илғор технологияларни ва хорижий ишбилармонларни жалб этиш асносида табиий ресурсларни қайта ишлаш бўйича истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, нефть-газ, энергетика соҳалари ва нефть-кимё соҳасида йирик юқори технологик лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш, бу йўналишда мутахассислар малакасини ошириш каби жараёнларни ўз ичига олади.

«WorleyParsons Uzbekistan Engineering» қўшма корхонасининг очилиши ўзбекистонлик шерикларимиз билан ўзаро самарали ва фол ҳамкорликнинг амалдаги намунаси бўлди, — деди «WorleyParsons» компаниясининг нефть ва газ бўйича Европа ва Африка мамлакатлари директори Девид Херман. — Мамлакатингизда нефть-газ соҳасида инфратузилмаси йил сайин такомиллашиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик учун яратилган қулай шартно чет эллик сармоядорларнинг мамлакатингизга инвестиция киритишга қизиқишини тобора оширмоқда. Биз ҳам ўзаро сармоявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

(ЎЗА)

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик жамият барпо этиш жараёнида аҳолини аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги эзгу ишлар таълим, ижтимоий муҳофаза, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

ҲАМКОРЛИҚДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Аҳоли манфаатларини ҳимоялашда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида бир қатор ижтимоий акциялар, даволаш-соғломлаштириш лойиҳалари, илмий анжуманлар, хотин-қизлар учун тиббий кўриқларнинг ташкил этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Мазкур жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Оила саломатлиги» лойиҳаси юртимиз ва хорижий тиббиёт мутахассислари ўртасидаги илмий-маърифий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ўзаро тажриба алмашиши учун имкон яратиш, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларига юқори сифатли малакали тиббий ёрдам кўрсатишдек эзгу мақсадларга қаратилган. Лойиҳа доирасида юртимиз ва Жанубий кореялик шифокорлар тиббиётнинг кардиология, ортопедия, юз-жағ

жарроҳлиги, стоматология каби соҳалари бўйича оғир хасталикка учраган беморларни тиббий кўриқдан ўтказиб, жарроҳлик-даволашни амалга оширмоқда.

Икки босқичдан иборат мазкур лойиҳа доирасида кам таъминланган ва шошилиш жарроҳлик амалиётига муҳтож беморлар учун қатор хайрия операциялари амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг дастлабки босқичида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институтида юртимиз шифокорлари ҳамда Сеул Миллий университети (Жанубий Корея) Пундан шифохонаси мутахассислари иштирокида юрак, таянч-ҳаракат аъзолари хасталанган беморлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга жарроҳлик-даволаш амалиёти бўйича ёрдам кўрсатилди.

Лойиҳанинг навбатдаги босқичида 15-21 май кунлари Тошкент тиббиёт академияси ҳамда пойтахтимиздаги 5-стоматология поликлиникасида юзнинг оғиз-жағ қисмида туғма нуқсонли бўлган беморлар даволанади.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ЭЛДОР ЭРГАШЕВ ОИЛАСИ – ФОЛИБ

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида «Намунали ҳарбий оила» анъанавий республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш оилаларни, жумладан, ҳарбий оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказилган мазкур танловдан кўрилган асосий мақсад ҳам ҳарбий оилаларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида миллий қадриятларни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳарбий хизматчиларни

ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдан иборатдир.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми ва муассасалари бўйича ўтказилган дастлабки босқичларда фоллиб чиққан 12 оила вакиллари иштирок этган танловда биринчи ўринни сержант Элдор Эргашев оиласи қўлга киритди. Иккинчи ўрин кичик сержант Хусниддин Ваҳобов оиласига насиб этди. Майор Жамшид Қаршиев оиласи эса учинчи ўринга лойиқ топилди. Фоллиблар махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбирда Куролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг концерти намойиш этилди.

(ЎЗА)

Юртимизда ўсиб келаётган авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги ёшларимизнинг турли соҳаларда ютуқларга эришаётганлигидан ҳам кўриниб турибди.

Маънавият гулшани

ЁШ ИҚТИДОРЛАР АНЖУМАНИ

Жумладан, санъат, спорт, таълим, адабиёт ва бошқа соҳаларда ўғил-қизларимизнинг нафақат республикамиз, балки халқаро миқёсда қўлга киритган муваффақиятларидан ҳам қалбимиз фахрифтўхорга тўлмоқда. Мустақил юрт фарзандлари ўзларининг ўткир билим ва салоҳияти билан миллимиз шаънини шарафламоқда.

Маълумки, мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди ташаббуси билан барча туманларда «Ёшлик илҳомлари» шиори остида ёш ижодкорлар анжумани юксак савияда ўтказиб келинмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Учтепа, Бектемир туманлари ҳокимликлари ҳамкорлигида ўтказилган иқтидорлар анжумани ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова, Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Ижод» жамоат фонди раиси Ақром Адизов ва бошқалар ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук, билимли, хунарли инсон бўлиб вояга етиши учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб, буларнинг бари истиқлол шарофати эканлигини фахр билан қайд этдилар. Мустақиллик билан тенгдош ёшларимиз орасида истеъдодли ўғил-қизлар сафи ортиб бораётганлиги, таъкидланди, уларнинг ижодий фаолиятларига юксак парвозлар, эзгу тилаклар билдирилди.

Анжуманда Учтепа ва Бектемир туманидан ташриф буюрган ёш иқтидорлар саҳнада ранг-баранг томошалари, концерт дастурлари билан эътиборни торттишти. Жумладан, ёш эстрада хонандалари, туман Ёқувчилар ижодиёт маркази бадиий жамоалари, спортчилар, «ВиваС» рақс дастаси, 30-музыка мактаби хор жамоаси, 293-мактабнинг «Табео» гуруҳининг чиқишлари тадбирга ўзгача байрамона руҳ бағишлади. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ўз ижодидан намуналар ўқиб, ижодкор ёшларни янада илҳомлантирди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан «Уч авлод учрашуви» барчада унутилмас таассурот қолдирди. Зул-

Германиядаги «Андижон – Адолат ва тикланиш» ташкилоти мутлақо ноқонуний тарзда фаолият кўрсатаётганини ҳамма ҳам билвермас керак. Ташкилот раҳбари Нурилло Мақсудовнинг энг яқин сафдошларидан бири, ўринбосари Шамсиддин Атаматовдир. Унинг таржimai ҳоли «устози»никидан деярли фарқ қилмайди. У 1996 йилда ушбу диний-экстремистик оқимга жалб этилган ва уч йил ўтиб, «Акромийлар» раҳнамоси А.Йўлдошев тарафидан Андижондаги «восита» раҳбарлигига тайинланган.

Ушбу «бошланғич ташкилот» сирдан қараганда, ёпиқ қандолатчилик ҳеҳи сифатида фаолият кўрсатса-да, аслида бу ерда қандо новот эмас, бузғунчи, вайронкор ғоялар «пишитиларди». Бу ерда ёшларга «Ҳақиқатга йўл» қўлланмаси орқали бутун динсизларни йўқ қилишга қаратилган халифалик куриш ғояси ҳақида хомхаёлларга асосланган таълим беришар, шу билан бирга ўқотар қуроллардан фойдаланиш сирлари пухта ўргатиларди.

2004 йил сентябрда 22 нафар акромий ҳибсага олиниб, уларга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. 2005 йилнинг май ойида Андижонда юз берган тартибсизликлар натижасида Атаматов ўзининг маслақдошлари тарафидан қамқондан чиқариб юбориларди. Шундан сўнг у ҳамтоволари билан тиш-тирноғига қуролланиб, вилоят ҳокимлиги биносига ҳужум қилишда, шаҳарнинг турли бурчакларида ҳарбий хизматчилар билан отишмаларда, тинч аҳоли вакиллари тахжирлашда фаол иштирок этади. Буйруқларига итоат қилмаганларни, ҳатто ўз сафдоши бўлса ҳам аёвсиз ўлдирарди.

Кейин эса Қирғизистонга «Қочоқлар» лагерига бориб, тегишли мақомга эга бўлади ва Швецияга ўтиб кетади. Айни пайтда ўша ерда ялло қилиб юрибди. Яқинда «Озодлик радиоси»дан берилган «Баҳс майдони» эшитиришига қизиқиш юзасидан қулқот тугдм. Ушбу эшитиришга Шамсиддин Атаматов

«меҳмон» сифатида тақлиф этилган экан. Даставвал бошловчи 2005 йил май ойидаги муҳим воқеаларни тилга олиб, негадир Мисрда юз берган наомийшларни ҳам эслатиб ўтди. Андижондаги ўша ҳодисалар жараёнида акромийлар ҳарбийларга қарата ўқотар қуроллардан ўт очилган, Мисрда эса наомийшчиларнинг ҳеч бирида қурол йўқ эди.

«Қаҳрамон»имизга «чиндан ҳам акромийлар автоматлар ва тўппончалардан ўқ отишдими?» деган савол берилди. Шамсиддин ўша пайтда уларнинг қўлида ўқотар қуроллар бўлганини ин-

қилишган ва у ердан ўзлари учун қурол-яроқни ғамлаб чиқишган. Кейин эса турмага ҳужум қилиб, қамқондаги тарафдорларни олиб чиқишган. Бу ердан ҳам анчагина қурол-аслаҳа умарган жиноятчилар ҳарбий қисмга бостириб боришган. Ана шу босқинлар пайтида тиш-тирноғига қуролланган Шамсиддин ва бошқа акромийлар мазкур муассасаларда навбатчилик қилаётган ходимларни шафқатсизларча отиб ташлашган. Агар ҳарбийлар ва милиционерлар ўз ихтиёри билан қуролларни топширган бўлса, уларни отиб ташлашнинг нима ҳолати бор эди.

БЕГОНА КАТАҚДА ҚИЧҚИРАЁТГАН «ХЎРОЗ»ЛАР

(Иккинчи мақола)

кор этмади ва гўёки «адолатни ҳимоя қилиш учун» қурол олишга мажбур бўлишганини қайд этди. Бошловчининг кейинги саволи шундай жаранглади: «Акромийлар ўз норозиликларини худди Қоҳирадаги «Тахрир» майдонида бўлганидек, ҳеч қандай қурол-яроқсиз наомийш этиши мумкинми?»

Худди ана шу ерда босқинчи ва каллақасар Атаматов ҳақиқатдан мутлақо йироқ ёлғонларни ишга солди. Унинг айтишича, гўёки, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари оддий фуқароларга қарата ўз қўллари билан ўт очиб, айнан акромийларни қарши ҳужумга ўтишга мажбур қилишган эмиш. Ана сизга «фалсафа!». Бу гапларни эшитиш на қулишни биласиз, на қулишни...

Келинг, ўша муҳим кунларни бир эсга олайлик. 2005 йил 13 майга ўтар кечаси тўппонча, автоматлар билан қуролланган бир гуруҳ одамлар аввал ИИБ патруль-пост хизматида ҳужум

Бундан ташқари 2005 йилда акромийлар устидан бўлиб ўтган суд пайтида уларнинг жанговар аслаҳахонаси бутун дунёга наомийш қилинди. Ундан наинки автомат ва тўппончалар, балки катта миқдордаги гранаталар ва портловчи моддалар ҳам ўрин олганди. Дарвоқе, ушбу қуролларнинг катта қисми қонли воқеалар бошланмасидан анча илгари қўшни Қирғизистондан етказиб берилган.

Хуллас, Атаматов ва Мақсудовнинг кирдикорларида ўхшаш хиҳатлар анчагина. Аммо улар орасидаги зиддиятли масалалар ҳам йўқ эмас. Хусусан, босқинчи сифатида нисбатан ёш ва ғайратли бўлган Шамсиддин Атаматов «Андижон – Адолат ва тикланиш» ташкилотининг бошқарувини тамомлашга ўз қўлига олишга интилаётган эди. Ана шу мақсадга эришиш йўлида у ўзини ўзбек «мухолифати» дея эълон қилган айрим шахслардан маддад ҳам ола бошлаган кўринади.

фия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари З. Нурмонова, Д. Маҳмадова, Ш. Давлатова, кино ва эстрада хонандалари билан ёшларнинг мулоқоти айнақса, қизиқарли савол-жавобларга бой бўлди.

Тадбирда китоб савдоси ва миллий хунармандчилик кўргазмаси ташкил этилди.

Дилором ИКРОМОВА



УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Кейинги йилларда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етиши йўлида кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг она Ватанга садоқатли, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшишга қодир, халқига меҳр-муҳаббатли бўлиб вояга етишларига қаратилган қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари бунда муҳим омил бўлмоқда.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан Шаҳидлар хотираси мажмуасида кекса авлод вакиллари, устоз-мураббийлар ва курсантлар билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам ёшларнинг тарихимизни яхши ўрганиш, бўлғуси Ватан посбони олдидаги катта масъулият, кексаларни ҳурмат-иззат қилиш, бугунги тинч-осуда кунларнинг қадрига етиш, мустақиллини асраб-авайлаш, аждодлар томонидан асос солинган хайрли ишларнинг муносиб давомчилари бўлишга чақириб қаби мақсад йўлида ташкил этилди.

Тадбирда сўз олган МК «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси ўринбосари М. Умаров, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимов, уруш ва меҳнат фахрийси М. Хасановлар ўзларининг бой ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиб, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшлар учун ҳар бир жабҳада яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Тадбир иштирокчилари «Қатағон қурбонлари» музейи билан ҳам танишишди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

ГИЁҲВАНДЛИК САВДОСИГА ҚАРШИ ИШОНЧЛИ ТЎСИҚ

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари гийёҳвандлик савдоси билан шуғулланадиган иккита трансчегаравий гуруҳ фаолиятига чек қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан амалга оширилган махсус тезкор тадбирлар самарасида гийёҳвандлик савдоси билан шуғулланадиган иккита трансчегаравий гуруҳ фаолияти тўхтатилди.

Жорий йилнинг 11 майдан 12 майга ўтар кечаси Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги юк машиналар тўхташ жойида шубҳали туюлган «Вольво» русумли юк машинаси текширилди. Юк машинасининг рефрижератор-тиркама қисмида ёнилги учун қўшимча «хуфя» бак борлиги аниқланди. Махсус хизматнинг хушёр ходимлари томонидан ушбу махфий жойдан полиэтилен пакетлар ва пластик идишларга қадқаланган 13 килограмм 295 грамм гийёҳванд модда топилди ва олиб қўйилди. Шунингдек, махсус хизмат ходимлари «қора қопларга» тўлаш учун мўлжалланган 1500 АҚШ доллари ҳам мусодаларга қўйилди.

Сўроқ давомида қўлга олинганлар гийёҳванд моддаларни, тергов манфаатларини кўзлаб исми фамилияси маълум қилинмаётган, тожикистонлик наркотик моддалар сотувчиси билан олигани аниқланди.

Эртаси, 13 май кунини ҳам махсус хизмат ходимлари яна бир муваффақиятли ишни амалга оширдилар – Самарқанд шаҳридаги қурилиш фирмаларидан бирининг худудида ер ости наркотик моддалар сақлаш жойи борлиги аниқланди. Бу ердан 200 литрли бочкага 80 полиэтилен қопчаларда жойлаштирилган 69 килограмм 702 грамм героин ва 10 килограмм 327 грамм афюн хомашёси топилди.

Терговда топилган гийёҳванд моддалар Тожикистон Республикаси Суғд вилояти фуқаросига тегишли бўлиб, кейинчалик Россия Федерацияси худудида ўтказилиши мўлжаллангани исботланди. Унинг исми фамилияси ҳам тергов манфаатларидан келиб чиқиб, маълум қилинмади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот органларидаги мавжуд маълумотларга кўра, юқоридаги гийёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар Ўзбекистон худуди орқали Тожикистондан Қозғистон ва Россияга наркотик моддалар контрабандаси билан боғлиқ қатор жиноятларга дахлдордир.

Қўлга олинганларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246- («Контрабанда») ва 273- («Гийёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш») моддалари бўйича жиноят иши кўзгатилади. Мазкур қонунбузарликлар бўйича тергов жараёни давом этмоқда.

Айрим кишилар ёнига бу мўмай бойлик орттириш мақсадида ҳамма нарсага, ҳатто инсонлар ҳаётини хавф остига қўйишга ҳам тайёр бўлади. Улар ҳар кун гийёҳванд моддаларни сотиш орқали инсонлар умрини хазон қилади. Бироқ жамиятимиз ҳимояси учун шай турган инсонлар доимо хушёр. Ўзбекистон махсус хизматлар ходимларининг саяёҳ-ҳаракати туфайли бу гал ҳам Тожикистондан Россияга олиб ўтилиши мўлжалланган йирик миқдордаги гийёҳвандлик моддалари қўлга олинди ва кўплаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди.

«UzReport.com» сайтидан

Иномжон ЗАЙНИТДИНОВ



ЎЗА олган суратлар

Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган беллашува мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ўқитувчиларидан иборат Яккасарой туманининг «Ниҳол», «Зиёкор», Шайхонтоҳур туманининг «Навниҳол», «Зиё» ҳамда Олмазор туманининг «Умид ниҳоллари» жамоалари иштирок этди.

«Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ўтказилган тадбир «Ёш педагоглар мактаби» ташкил топганининг беш йиллигига бағишланди.

Таъкидлаш ўринлики, «Ёш педагоглар мактаби» таълим сифати ва самардорлигини ошириш, иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятини рўйбга чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, изланувчан ва ижодкор ёш педагогларни излаб топиш, таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган услубларни такомиллаштиришда кўмакчи вазифасини ўтаётди. Марказ ёш мутахассисларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ушбу мактаб томонидан амалга оширилётган ишлар олий ўқув юртиларини эндигина тамомлаб, мактабда таълим-тарбия бериш учун отланган ҳар бир ёш педагог фаолиятида ўз самарасини бераёпти. Улар

ЁШ ПЕДАГОГЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Миллий университетда «Ёш педагоглар мактаби» аъзолари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

ўртасида мунтазам равишда «Йилнинг энг яхши ва ёш педагоги», «Заковат» кўрик-танловлари, турли семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиб келинаётди. Марказ ташаббуси билан Юнусобод туманида ташкил этилган «Ёш педагоглар боғи» ҳозирда ўқувчи-ёшларнинг энг сеvimли масканига айланган. Шаҳарда 4800 нафарга яқин ёш педагог фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 200 нафари айнан шу мактаб аъзосидир.

Танлов шартларига кўра, ёш мутахассислар ўзи фаолият юритаётган «Ёш педагоглар мактаби» ҳақида маълумот бериш баробарида «Билимдонлар беллашуви» шартлида педагогика, психология, миллий ғоя ва маънавий асослари фанларидан тайёрланган саволларга жавоб беришиди. Педагогик фаолиятида учрайдиган муаммоларни ҳам ҳажвия

асосида саҳнага олиб чиқишиди. «Уйга вазифа» шартлида ўз қобилиятини театрлаштирилган саҳна кўринишлари орқали намойиш этишиди.

Тадбир доирасида мактаб ўқувчилари иштирокидаги акробатика ва гимнастика ўйинлари, миллий либослар намойиши ва мусиқали чиқишлари барчага манзур бўлди.

Танлов натижаларига кўра, мактаблар ўртасида Шайхонтоҳур туманидаги «Зиё», Олмазор туманидаги «Умид ниҳоллари» гуруҳлари, мактабгача таълим муассасалари ўртасида эса Яккасарой туманининг «Ниҳол» жамоаси олий ўринга муносиб топилди.

Азима ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ҲИҚМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ИНСОНПАРВАРЛИК
ВА БАЙНАЛМИЛЛАЛИК ҲАҚИДА

Инсонпарварлик — бизнинг қадимий шиоримиздир.

Беғараз ҳамдўстлик — одамнинг бағрига қувват.

Инсонда тил бегоналиги бўлса-да, дил бегоналиги бўлмаслиги мумкин.

Инсон ёлғиз туғилади, ёлғиз ўлади, аммо ёлғиз яшай олмайди.

Ногиронларга ёрдамлашиш — инсоний мурувват.

Беморни бориб кўриш — инсонни улуглашдир.

Инсонпарвар дардманни кўрганда ўз дардини унутади.

Дунё инсоннинг ақл-заковати билан гўзал.

Дили соф турли миллатлар бир-бирларини имо-ишора билан ҳам тушуниб кетаверадилар.

Миллатлар бирлиги — энгилмас кучдир.

Халқлар дўстлиги метин қалъадир.

Камолотли одамлар миллат ажратмайдилар.

Одамлар орасидаги совуқликларни адолат иситади.

Ўзгалар уйини ёритувчининг чироғи асло ўчмайди.

Одамларнинг ранги ҳар хил бўлса-да, қони бир хилдир.

Тенглик ва баробарлик — тинчликнинг таянчи.

Ҳар бир халқнинг ўз миллий муҳити бор.

Санъатлар миллий бўлса-да, завқи байналмилалдир.

Эзгуликнинг миллати йўқ.

АДОЛАТ ҲАҚИДА

Адолат — тинчлик замини.

Каттадан адолат, кичикдан итоат.

Ҳаётни тартибга солиб турувчи адолатдир.

Жамоадаги адолат унинг баракасидир.

Адолат бор жойда — садоқат бор.

Тенглик — кенглик.

Адолат учун курашда голиб чиққан одам ҳаммининг меҳрини қозонади.

(Давоми бор)

Азал-азалдан халқимизда байрамларни кўтаринки руҳда кутиб олишдек ажойиб анъана бор ва бугунда ҳам давом этмоқда. Энг улуг ва азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйини муносиб кутиб олишга қизгин тайёргарлик кетаётган кунларда ҳамшаҳримиз Адҳам Ҳасанов ҳам эзгу тилакни дилга жо этиб, бутун Ўзбекистонимиз бўйлаб пиёда сафарга чиқди.

КЎНГИЛНИ ҒУРУРГА ТЎЛДИРГАН САФАР

Гап шундаки, узок йиллар элу юрт фаровонлиги йўлида хайдовчилик касбини улуғлаб, миллионлаб йўловчилар узогини яқин қилган, ҳозирда нафақада бўлган Адҳам Ҳасанов сайёҳ сифатида иккинчи марта обод диворимиздаги катта ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, инсон манфаатлари, ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиш, спортнинг саломатликка фойдали эканлигини амалда кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида Тошкент шаҳридан бошлаб Сир-

дарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро йўналишлари бўйлаб, пиёда кезиб чиқди. Унга «Ўзбекистон» миллий компанияси ва Ўзбекистон Олимпия қўмитаси томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатилди.

— Юртимиз йилдан йилга чирой очиб, катта-катта хайрли ишлар амалга оширилаётгани мени йўлга қорлади, — дейди Адҳам Ҳасанов. — Мустақиллигимизнинг қўлғи 20 йиллик тўйига тўхфа дея, «Ўзбекистон» миллий компанияси ва Ўзбекистон Олимпия қўмитаси-

нинг қўллаб-қувватлаши билан хайрли ниятни дилга жойладим. Қаерда бўлмай, қайси бир шаҳарга кириб бормай, Ўзбекистонимизнинг меҳр-оқибатли инсонлари томонидан илиқ кутиб олиндим. Йўл-йўлакай мустақиллик медаллари бўлиши кўркам ва салобатли бинолар, турар жойлар, текис ва раво йўллар, замонага ҳамоҳанг қад кўтарган таълим масканлари, қайта чирой очган тарихий ва маданий обидалар, гулу чечакларга бурканган кўча-хивонлар, боғу роғларни кўриб, фаж-

ру ғурурга тўлдим, шундай юрда яшаётганим, гўзал дийёр фарзанди эканимдан шукроналар келтирдим. Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдимки, мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етуқ тарбиялаш, спорт билан шуғулланишларига шароит яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мен ҳам ёшлиқдан югуриш, волейбол, баскетбол билан шуғулланиб келман. Энг севган машғулотим пиёда юриш. Кунига ҳеч бўлмаганда 10-15 километр йўл босаман. Минг километрдан ортиқ юрган йўлимдаги қийинчиликларни энгиб ўтишимда спорт билан шуғулланганим катта фойда бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, Истиқлолимизнинг 20 йиллиги билан ҳамшаҳарларимизни муборакбод этаман. Тинч ва оқсоқил юртимизга кўз тегмасин. Униб-ўсиб келаётган ёшларимиз она Ватанга муносиб фарзанд бўлиб, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашсин.

Шоҳида МАҲМУДОВА

Ёз — ўтсин соз

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРАДИЛАР

Болажонлар интиқлик билан ёз фаслини кутмоқда.

Бу борада қасаба уюшмалари томонидан мавсумга тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Шаҳар ҳокимлиги ва қасаба уюшмаларининг ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларининг самарали дам олишини ташкил этиш юзасидан қўшма қарорига асосан шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган тадбирда биринчи галдаги вазифалар муҳокама қилиниб, фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Жорий йилда ёзги соғломлаштириш мавсумида 20 та стационар оромгоҳда, мактаблар қошида ташкил этилган 36 та кундузги оромгоҳларда 42 мингдан зиёд ўқувчиларнинг мазмунли дам олиши учун барча шароитлар яратилиши режалаштирилган. Табиат бағридаги соғсалқин, сўлим оромгоҳларда қоралпоғистонлик 2,2 мингга яқин ўғил-қиз саломатлигини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

Мутасадди ташкилотлар, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари, санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда шаҳар қорхона ва ташкилотлари тизимидаги оромгоҳларда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари, уларни сифатли тарзда тез кунларда топшириш, хўжалик раҳбарлари, бошланғич қасаба уюшма қўмиталари раислари, оромгоҳ тарбиячи ва етакчилари учун семинарлар ўтказиш лозимлиги юзасидан фикрлашиб олинди.

— Бола кулса, олам кулади, деган нақл бежизга айтилмаган, — деди шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нурилла Насимов. — Шундай экан, фарзандларимизнинг таътил кунлари мароқли ва мазмунли бўлишига масъулмиз. Ҳар биримиз ўзимизга юклатилган вазифани виждонан адо этишга ҳаракат қилайлик.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Спорт янгиликлари

ТАЙЁРГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон футбол федерациясида келгуси йили мамлакатимизда 20 ёшли қизлар ўртасида уюштирилаётган жаҳон чемпионати тайёргарлик кўриш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбир терма жамоалар маркази, Ўзбекистон Аёллар футбол ассоциацияси, футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тажрибали мутахассислар иштирок этган тадбирда жаҳон чемпионати тайёргарлик кўрувчи ишчи гуруҳини тузиш, ЎФФ ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, аёллар терма жамоасига

бош мураббийни тайинлаш масалалари муҳокама этилди.

Тадбир қатнашчилари томонидан футбол бўйича аёллар ўртасидаги мамлакат биринчилиги мусобақалари нуфузини янада ошириш, аёллар футбол клубларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

МАШҒУЛОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Келгуси йилда Лондон шаҳрида уюштирилаётган ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этишга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ўқув-йиғин машғулотларини давом эттирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, етакчи ўйинчилар Шерзод Каримов ва Фаррух Нурлибоев жароҳати боис машғулотларда иштирок этмапти. Шунга қарамай, мустаҳкам заҳирага эга бўлган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси йиғинлари юқори савияда уюштирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Марат Мифтаҳутдинов ва Тоҳир Копадзелар етакчилигида «Лондон-2012» йўлланмаси учун ҳозирлик кўраётган футболчиларимиз 13-18 июнь кунлари Олимпиада ўйинларининг иккинчи саралаш босқичида Гонконг жамоаси билан куч синашилади.

Гулрух ЗОКИРОВА

НАДЕЖДА — БРОНЗА МЕДАЛЬ СОҲИБАСИ

Жанубий Кореянинг Тэгу шаҳрида энгил атлетика бўйича IAAF World Challenge мусобақасининг тўртинчи босқичида баландликка сакраш бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Светлана Радзивиль ва Надежда Дусанова 1 метр 88 сантиметрни забт этди.

Кўшимча кўрсаткичларга кўра Н.Дусанова бронза медални кўлга киритган бўлса, Светлана Радзивиль кучли тўртликдан жой олди.

IAAF World Challenge мусобақасида тажрибали спринтеримиз Гўзал Хуббиева 100 метрга югуриш бўйича кумуш медални кўлга киритган эди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
3958 нуқсала босилди.
Қоғоз белини А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва сақланган.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32